

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини
“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси юзасидан
М А Ъ Л У М О Т

2021 йил 30 июнь ҳолатига

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа	Бажарилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
Халқ таълими вазирлигига бевосита юклатилган топшириқлар							
1 (225)	Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастури ни босқичма-босқич жорий этиш.	2021 йил 1 август	Халқ таълими вазирлиги, вазирлик ва идоралар	Ҳисоб-китобларга асосан	-	Чора-тадбирлар режаси. Режада: миллий ўқув дастури лойиҳасини халқаро тажрибадан келиб чиқиб, халқаро экспертлар ва амалиётчи ўқитувчиларнинг таклифлари асосида такомиллаштириш; ўқувчиларни келгуси ҳаётга тайёрлаш ва уларга ўз билим ва кўникмаларидан амалиётда фойдаланишни ўргатувчи малака талабларини синфлар кесимида ишлаб чиқиш.	Бажарилмоқда. Миллий ўқув дастури ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси техник кўмагида, халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда, маҳаллий амалиётчи ўқитувчилар ва хорижий экспертлар иштирокида яратилган бўлиб, у орқали қуйидаги асосий янгиликлар киритилди: - фанлараро интеграция кучайтирилиб, фан ва мавзуларни ўқитишда мантикий фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга асосланган спиральсимон ўқитиш методикаси жорий қилинмоқда (амалда чизиқли ўқитиш, ёд олиш методикаси); - дарслик билан бирга, фаннинг методик таъминоти учун ўқитувчи китоби, ўқувчи машқ дафтари, мультимедиа иловаси ва рақамли контент жорий қилинади; - назарий соатлар қисқартирилиб, амалий соатлар ҳажми умумий дастурда 20 фоиздан 50 фоизга оширилди; - ўқувчиларнинг индивидуал истаклари ва қобилиятларини инобатга олиш имкониятини берувчи вариатив ўқув режалар асосида ўқитиш тизимини жорий қилиш имконияти кенгайтирилмоқда; - фан бўйича малака талаблари синфлар кесимида белгиланди ва ўқувчи эришилиши талаб этиладиган ҳар бир кўникма кодлаштирилди (амалда олинган билимларни баҳолаш умумий белгиланган, ҳар бир синф якунидаги талаблар мавжуд бўлмаган). Янги дастурга мос равишда педагогларнинг билимини ошириш ҳамда уларни касбий ривожлантириш мақсадида халқаро экспертлар ёрдамида Республика даражасидаги 30 нафар бош тренерлар, 84 нафар ҳудудий тренерлар тайёрланди.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа	Бажарилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
							<p>Мазкур 114 нафар тренерлар ёрдамида жорий йил июль ойида 1450 нафар методист ва 1500 нафар малака ошириш марказлари педагог кадрлари учун тренинглари ташкил этилади.</p> <p>Янги ўқув йилида 1-2-синфда дарс берадиган 49,1 минг нафар бошланғич синф ўқитувчилар учун жойларда мақсадли ўқув курслари ташкил этиш учун ҳар бир фанни ўқитиш бўйича видеокурс, мавзулар кесимида тақдимотлар ҳамда методик ресурслар тайёрланиб, А.Авлоний номидаги илмий тадқиқот институти ва Республика таълим марказининг касбий ривожланиш электрон платформаларига жойлаштирилмоқда.</p>
2 (227)	<p>Чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш.</p>	2021 йил 1 май	<p>Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази</p>	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари ва бошқа маблағлар	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p> <p>Лойиҳада: чет тилларидан бакалаврият йўналишидаги кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш; чет тилларидан тан олинган халқаро сертификатларнинг рўйхатини қайта кўриб чиқиш; босқичма-босқич чет тили (инглиз, француз, немис, рус) фанларидан мактаб дастурларини қайта кўриб чиқиш ва замонавий дарсликларни яратиш; хориждан инглиз ва рус тили ўқитувчиларини жалб қилиш назарда тутилади.</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5117-сон қарори тасдиқланди.</p> <p>Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 312-сон қарори тасдиқланди.</p> <p>Президент қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлигининг ташкилий тузилмаси;</p> <p>Хорижий тилларга ўқитишнинг сифатини ошириш мақсадида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб туманлар (шаҳарлар)да умумий ўрта таълим муассасалари негизда хорижий тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган 207 та мактаблар ташкил этилиши;</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа	Бажарилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
							2021 йил 1 сентябрдан бошлаб хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши натижаларга эришган мактабларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини таъсис этилиши белгиланди.
3 (229)	Ягона «Электрон таълим» тармоғини жорий қилиш.	Йил давомида	Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Молия вазирлиги	98 млрд. сўм	Давлат бюджети маблағлари	<p>Амалий чора-тадбирлар. Бунда: оптик толали юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғи линиялари олиб борилган умумтаълим муассасаларининг телекоммуни-кация инфратузилмасини (Wi-Fi ва ички локал тармоқни) яратиш; 3200 та умумтаълим мактабларини қамраб олиш ва келгуси йилларда давом эттириш; ягона «Электрон таълим» тармоғини яратиш, жорий қилиш ва уни бошқариш; компьютер ускуналари ва ягона «Электрон таълим» тармоғини техник қўллаб-қувватлаш; электрон контентни ишлаб чиқиш ва уларни янгिलाб бориш; раҳбар ва педагог ходимларнинг АКТ бўйича саводхонлигини ошириш ҳамда сертификатлаш тизимини жорий этиш назарда тутилади.</p>	<p>Бажарилмоқда. 9017 та (90%) умумтаълим мактабларига юқори тезликдаги оптик толали интернет тармоғи етказилди. Халқ таълими вазирлиги ва «Ўзбектелеком» АК ўртасида 2020 йил 27 ноябрда имзоланган 196-сон шартномага мувофиқ 2550 та умумтаълим муассасалари ички локал тармоқ ускуналари ҳамда Wi-Fi қурилмалар билан таъминланди. Шу билан бирга, лойиҳанинг кейинги босқичи учун ҳозирда тендер ўтказиш мақсадида тендер олди ҳужжатларининг лойиҳалари тайёрланмоқда. Ягона «Электрон таълим» тармоғини яратиш бўйича Техник топшириқ тасдиқланди. Ҳозирда ушбу тизимни ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Халқ таълими тизимидаги умумтаълим муассасаларида мавжуд компьютер техникасига хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича вазирликнинг 2021 йил 10 майдаги 147-сонли буйруғи тасдиқланди. Бундан ташқари, 2471 нафар умумтаълим мактаб директорлари ҳудудлардаги IT-паркларда «АКТ саводхонлиги» бўйича малакаси оширилди ҳамда 430 нафар ўқитувчилар Python дастурлаш тили бўйича малакаси оширилмоқда.</p>
4 (230)	Таълим сифати паст мактабларда таълим сифатини ошириш ва ижобий тажрибани кенг тарқатиш мақсадида педагог-ўқитувчиларни муддатли шартнома асосида бошқа туман ва вилоятларга меҳнат фаолиятини олиб бориш учун юбориш.	2021 йил 10 август	Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	-	-	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: таълим сифати паст мактабларни аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш; жалб қилинадиган ўқитувчи-педагоглар учун талабларни ишлаб чиқиш; бошқа тумандаги мактабга бориб дарс берадиган ўқитувчилар маошига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб дарс берадиган ўқитувчилар маошига 100 фоиз устама ҳақ тўлаш тартибини белгилаш назарда тутилади.</p>	<p>Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг «Таълим даражаси юқори бўлмаган умумтаълим мактабларида дарс бериши учун бошқа ҳудудлардан ўқитувчи-педагогларни жалб этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қарор лойиҳаси ўрнатилган тартибда вазирликнинг 2021 йил 27 майдаги 02-02/2-1559-сонли хати билан тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Шунингдек, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекция билан биргаликда 1409 та таълим сифати даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхати тасдиқланди.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа	Бажарилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
							Халқ таълими вазирининг 2021 йил 1 мартдаги 53-сон буйруғи билан таълим даражаси юқори бўлмаган умумтаълим мактабларида дарс бериши учун бошқа ҳудудлардан ўқитувчи-педагогларни жалб этиш ва уларга ойлик устамалар тўлаш тартиби белгиланди.
5 (231)	Алоҳида эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган болаларнинг таълим олиши, аниқ бир касбни эгаллаши учун қўмаклашиш.	2021 йил 1 июнь	Халқ таълими вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, вазирлик ва идоралар	-	-	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада: масъул вазирликлар ва идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳни тузиш; мазкур йўналишга оид хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш; алоҳида эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган болаларнинг таълим олиши, аниқ бир касбни эгаллаши учун қўмаклашиш мезонларини белгилаш назарда тутилади.	Бажарилди. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг 10-11-синф (интеллектуал ривожланишида нуксонлари бўлган болалар учун (ёрдамчи) мактаблар, мактаб-интернатларда 8-9-синф) ўқувчиларини касб-хунарга ўргатиш ҳамда курс битирувчиларига касблар бўйича сертификат бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар)да касбга ўқитиш курсларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ўрнатилган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишилди. Қарор лойиҳаси 2021 йил 21 майдаги 02-06/2-1519-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди.
6 (243)	Физика бўйича ўқувчилар ўртасида Аҳмад Ал-Фарғоний номидаги халқаро фан олимпиадасини ташкил этиш.	2021 йил 1 май	Халқ таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Ижрочилар маблағлари, давлат бюджети, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси баёни лойиҳаси. Лойиҳада олимпиадани жорий йил IV чорагида ташкил этиш, мусобақага хорижий терма жамоаларни таклиф этиш масалалари назарда тутилади.	Бажарилди. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўқувчилар ўртасида Аҳмад Ал-Фарғоний номидаги халқаро физика олимпиадасини ташкил этиш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисидаги” 50-сонли Раёсат мажлиси баёни 2021 йил 27 апрель санасида тасдиқланди. Мажлис баёни билан “Аҳмад ал-Фарғоний номидаги халқаро физика олимпиадасини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”, Олимпиадани юқори савияда ташкил этиш бўйича Дастур, Олимпиадани ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси таркиби тасдиқланди. Шунингдек, олимпиада 2021 йил 15-20 ноябрь саналарида ўтказилиши белгиланди.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа	Бажарилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
Халқ таълими вазирлигига ҳамижрочи сифатида юклатилган топшириқлар							
7 (152)	Болаларни қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этиш.	2021 йил 1 август	Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги , Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги	100 000 млн. сўм	Республика бюджети	Ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклиф бериш. Лойиҳада Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди мақоми, фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари, молиялаштириш манбалари, жамоатчилик иштироки механизмлари назарда тутилади.	Бажарилди. “Болаларни қўллаб-қувватлаш фондини” ташкил этиш юзасидан тузиладиган ишчи гуруҳга номзод Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 26 февралдаги 04-05-2-146-сонли хати билан Ёшлар ишлари агентлигига юборилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) орқали ID-30484-сон билан келиб тушган Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси вазирлик мутахассислари томонидан белгиланган тартибда ўрганиб чиқилди ҳамда тегишли хулоса тақдим қилинди.
8 (158)	«Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ёшларни дастурлаш тилларини ўзлаштиришга қизиқтириш орқали уларни иш билан таъминлаш тизимини йўлга қўйиш.	Йил давомида	АКТ вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги , Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	-	-	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Иختисослаштирилган ва бошқа умумтаълим мактабларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини “Бир миллион дастурчи” лойиҳасига оид ўқув дастурлари билан босқичма-босқич интеграция қилиш; “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 2021–2022 йилларда 300 минг нафар ёшларни компьютер дастурлаш асосларига бепул ўқитиш бўйича соҳага қизиқадиган ёшларни жалб қилиш бўйича Ахборот технологиялари вазирлиги билан ҳамкорлик қилиш.	Бажарилди. 2020/2021-ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич умумтаълим мактабларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фани ўқув дастурларига “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасидаги дастурлаш йўналишларига оид маълумотлар киритилди. Жумладан, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг 5-синф ўқув дастурига “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси бўйича “Дастурлаш (Scratch)” йўналишига 8 соат, 6-синфда “Scratch - дастурлаш муҳитида объектларни бошқариш” бобига 5 соат, “Робототехника асослари” бобига 8 соат ажратилди. Шунингдек, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг 5-11 синф ўқув дастурларида жами 259 соат дастурлаш тилларини ўргатиш мўлжалланган. Ҳозирги кунга қадар “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 300 мингдан ортиқ ўқувчилар рўйхатдан ўтиб, замонавий дастурлаш йўналишларини ўрганишмоқда. Улардан 150 минг нафардан ортиқ ўқувчилар “UDACITY” компаниясининг халқаро даражадаги битирувчи сертификатларига эга бўлди. Лойиҳа доирасида умумтаълим мактабларининг информатика фани ўқитувчилари учун республика танлови ташкил этилди. Танлов натижаларига кўра 100 нафар энг яхши ўқитувчиларнинг ҳар бири 4,5 млн. сўм миқдорда рағбатлантирилди. Шунингдек февраль ойида “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 8 нафар ўқитувчи ва 6 нафар ўқувчилар танлов ғолибларига айланишди ҳамда умумий 12 000 АҚШ доллари миқдорда ютуққа эга бўлишди.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа	Бажарилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
9 (160)	Ёшлар сиёсатини самарали амалга оширишда Андижон вилояти тажрибасини ўрганиш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан фаол ёшларни жалб қилган ҳолда “ Андижон ёшлар форуми ”ни ташкил этиш.	2021 йил 20 апрель	Андижон вилояти ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Халқ таълими вазирлиги , Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи	Ҳисоб-китобларга асосан	Маҳаллий бюджет маблағлари	Барча ҳудудларидан фаол ёшларни жалб қилган ҳолда “Андижон ёшлари форуми” ташкил этиш бўйича кўмаклашиш. Андижон вилояти ҳокимлиги ва Ёшлар ишлари агентлигига масъул вазирликлар ходимларидан иборат тузиладиган ишчи гуруҳга номзод бериш.	Бажарилди. Жорий йилнинг 20-23 май саналарида Андижон шаҳрида “Андижон ёшлари форуми” ташкил этилди. Форум доирасида 2021 йил 22-23 май кунлари Андижон шаҳридаги Регистон майдонида Халқ таълими вазирлиги томонидан “Орзуларни мақсадларга айлантирамыз” шиори остидаги касб-хунар фестивали ўтказилди. Ушбу форумда 150 нафардан зиёд 2019-2020 ўқув йили битирувчиларининг имтиёзли кредитлар асосида тадбиркорлик ва хунармандчилик йўналишини танлаган ёшларнинг 40 турдаги махсулотлари кўргазмалари намойиш этилди. 4200 нафар (10,1%) битирувчиларга хунар ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун 42,3 млрд.сўм кредит маблағлари ҳамда зарур бўлган жиҳозлар билан таъминланди, 10 993 нафарини (27,5%) ўз ўзини банд қилиш тартиби бўйича туман (шаҳар) давлат солиқ органлари томонидан рўйхатга олиш ва уларга гувоҳномалар беришга эришилди.
10 (161)	Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан фаол ёшларни жалб қилган ҳолда 2021 йил август ойида « Фарғона ёш хунармандлар фестивали »ни ташкил этиш.	2021 йил 20 август	Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Халқ таълими вазирлиги , Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи	Ҳисоб-китобларга асосан	Маҳаллий бюджет маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан фаол ёшларни жалб қилган ҳолда “Фарғона ёш хунармандлар фестивалини” ташкил этишда кўмаклашиш. Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Ёшлар ишлари агентлигига масъул вазирликлар ходимларидан иборат тузиладиган ишчи гуруҳга номзод бериш.	Бажарилди. Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 11 февралдаги 06-05/3-322-сонли хати билан “Фарғона ёш хунармандлар фестивали”ни ташкил этишда ҳамкорлик қилишга тайёрлигини маълум билдирилган хати Фарғона вилояти ҳокимлигига юборилди. Шунингдек, Ёшлар ишлари агентлигига “Фарғона ёш хунармандлар фестивали”ни ташкил этишда Республикаси болалар кутубхонаси бўлими бошлиғи Р.Бобоқулов номзоди тавсия этиб, ҳамкорлик қилишга тайёрлиги тўғрисида вазирликнинг 2021 йил 11 февралдаги 06-05/3-321-сонли хати юборилди.
11 (166)	Ҳудудларда илмий фаолият билан шугулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, илм-фанга кенг жалб қилиш, нуфузли илмий мактабларни шакллантириш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш,	2021 йил 1 март	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги	50 000 млн. сўм	Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари маблағлари	Ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклиф бериш. Таклифда: ёшлар учун эълон қилинадиган стартап лойиҳалари танловлари талабларининг соддалаштирилган тизимини ишлаб чиқиш;	Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолият билан шугулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 222-сон қарори тасдиқланди.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа	Бажарилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
	соддалаштирилган тартибда ёшларнинг илмий ва стартап лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида илмий дастурни амалга ошириш.					ёшларга илмий ташкилотлар, олий таълим муассасалари, шунингдек, вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳузуридаги илмий тузилмалардаги замонавий илмий асбоб-ускуналардан бепул фойдаланиш ҳуқуқини бериш назарда тутилади.	
12 (169)	“Камалак юлдузлари”, “Йилнинг энг фаол ёшлар етакчиси”, “Йил сардори”, “Талабалар фестивали”, “Интеллектуал ўйинлар” ҳафталиги, “Йил талабаси” сингари кўрик-танлов ва мусобақаларни ташкил этиш.	Йил давомида	Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Халқ таълими вазирлиги , Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, МТРК	Ҳисоб-китобларга асосан	Ижрочилар маблағлари	“Камалак юлдузлари”, “Йилнинг энг фаол ёшлар етакчиси”, “Йил сардори”, “Талабалар фестивали”, “Интеллектуал ўйинлар” ҳафталиги, “Йил талабаси” сингари кўрик-танлов ва мусобақаларни 2021 йилдан бошлаб ташкил этиш ва юқори савияда ўтказишга кўмаклашиш Ёшлар ишлари агентлиги ва Ахборот технологиялари вазирлигига ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар дастурига тақлиф бериш.	Бажарилди. Жорий йилнинг 18-23 май кунлари “Ватан, дўстлик ва бахтли болалик учун” шiori остидаги “Kamalak” болалар ташкилотининг XX Анжумани доирасида “Энг намунали маҳаллий Сардорлар Кенгаши”, “Йил сардори” танловларининг республика босқичи ўтказилди. Ушбу танловнинг тантанали ёпилиш маросимда “Йил сардор”лари ва “Таълим” йўналиши сардорлари Халқ таълими вазирлиги томонидан шахсий ривожланишлари ва билим-кўникмаларини бойитишларига ёрдам берувчи бестселлер китоблар тўплами ва ноутбуклар билан тақдирландилар.
13 (175)	Ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишлари учун янада кенгрок имконият яратиш мақсадида бепул тил ўрганиш электрон платформасини яратиш.	2021 йил 20 май	Ёшлар ишлари агентлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари	Чора-тадбирлар дастури. Дастурга яратилиши қутилаётган электрон платформада ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишлари бўйича Ёшлар ишлари агентлиги тақлиф киритиш.	Бажарилди. Халқ таълими вазирлиги Ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишлари учун янада кенгрок имконият яратиш мақсадида бепул тил ўрганиш электрон платформасини яратиш ва жорий этиш бўйича Ишчи гуруҳ таркибига киритиш учун масъул ходимлар ҳамда портални ишлаб чиқиш бўйича тақлифларини Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига 2021 йил 10 мартдаги 03-03/4-325-сонли хати билан тақдим этилди. Шунингдек мазкур банд ижроси юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 2021 йил 15 апрелда “Ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишлари учун янада кенгрок имконият яратиш мақсадида бепул тил ўрганиш электрон платформасини яратиш бўйича чора-тадбирлар дастури” тасдиқланди.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа	Бажарилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
14 (176)	Фарзандликка олиш амалиётини ўрганиш ва бу бўйича ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқиш.	2021 йил 1 май	Бош прокуратура, Олий Мажлис Сенати (келишув асосида), Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, вазирлик ва идоралар	-	-	Чора-тадбирлар дастури. Чора-тадбир режасига таклиф бериш. Бунда қуйидагиларни назарда тутиш: Фарзандликка олиш тизимини танқидий таҳлил қилиш ва амалиётдаги муаммоларни ўрганиш; Фарзандликка олиш бўйича қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва тизимлаштириш; “Бола сотиш” ҳолатларининг олдини олиш мақсадида фуқароларнинг ўзаро келишуви асосида фарзандликка олиш бўйича очиқ ҳуқуқий асосларини яратиш.	Бажарилди. Мазкур банд юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги 06-05-2-500-сонли хати билан Бош прокуратурага тақдим этилди.
15 (202)	Янги ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва мавжудларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш.	Йил давомида	Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Президент ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги	2 250 млрд.сўм	Марказлашган маблағлар	31 та янги мактаб қуриш ва 320 та мактабни таъмирлаш бўйича ишларни ташкил этиш. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш; қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган ижтимоий соҳа объектлари учун лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларни аниқлаш учун тендер савдоларига эълон бериш; ғолиб деб топилган лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар билан белгиланган тартибда шартномалар имзолаш; қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган ижтимоий соҳа объектларида амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифатини назорат қилиб бориш ва белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини назорат қилиш.	Бажарилмоқда. Халқ таълими тизимидаги умумтаълим муассаларини моддий техника баъзасини яхшилаш мақсадида 2021 йилда жами 487 та (шундан, 351 та Инвестиция дастури, 136 та объектлар 2021 йил 1 мартдаги 21-сон, 12 апрелдаги 36-сон ҳамда 27 апрелдаги 52-сон Раёсат баёнларига киритилган) объектларда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган. Ушбу мақсадлар учун (жами 487 та объект учун) давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жами 2 312,9 млрд. сўм маблағ ажратилди. Жумладан; Йилдан – йилга (2020 йилдан) ўтувчи объектлар сони - 12 та, Янгидан бошланувчи объектлар сони - 475 та. Жами 475 та умумтаълим объектлари 2021 йил якунига қадар тўлиқ фойдаланишга топширилиши белгиланган. Шунингдек, янгидан бошланувчи объектлар бўйича бугунги кунда 475 та (91,7 %) объектларда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Улардан 475 та (100%) объектлар давлат экспертизасидан ва 437 тасига (93,0%) комплекс экспертиза хулосалари олинган бўлиб, тендер (танлов) савдоларини ўтказиш мақсадида электрон эълонга берилган. Жорий йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра, жами 415 та (84%) объектлар бўйича ғолиб аниқланган, улардан 415 таси бўйича буюртмачи ва пудратчи ўртасида пудрат шартномалари имзоланган ва қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланган.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа	Бажарилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
16 (207)	Аҳолини оммавий спорт турларига кенг жалб қилиш орқали 2021 йилда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар камровини ҳозирги 19 фоиздан 25 фоизга етказиш.	Йил давомида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ҳисоб-китобларга асосан	Ижрочилар маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Ўқувчилар учун оммавий спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш; ёшлар ўртасида олимпия ҳаракатини ривожлантириш мақсадида 23 июнь Халқаро олимпия кунига бағишлаб “Олимпия ҳаракати” спорт фестивалини; ёшлар ўртасида “Миллий кадриятларимиз – бекиёс бойлигимиз” шиори остида “Наврўз” умумхалқ байрами арафасида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича барча ҳудудларда спорт фестивалини; маҳалла ёшлари ўртасида “Чарм тўп -2021” футбол мусобақаларини; давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ўртасида “Бош вазир кубоги”, “Ҳоким кубоги”, “Раҳбар кубоги” каби спорт мусобақаларини ўтказиш назарда тутилади.	Бажарилмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар камровини ошириш бўйича Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан ҳамкорликда куйидаги тадбирлар ташкил этилди: 1. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги барча умумтаълим мактабларида белгиланган тўрт босқичда 5-8 синф ўқувчилари ўртасида “Қувноқ стартлар” спорт мусобақалари юқори савияда ташкил этилди. Мазкур спорт мусобақасида жами 840 168 нафар (шундан 420 084 нафари қизлар), ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Вилоят босқичида биринчи ўринни қўлга киритган ғолиб ва совриндорлар республика финал босқичида иштирок этиши режалаштирилди. 2. Жорий йилнинг 20 апрель куни вазирлик ходимлари ўртасида “Шахмат ойлиги” доирасида “Шахмат билан бир кун” шиори остида шахмат мусобақаси ўтказилди. 3. 2021 йил 29 май куни Халқ таълими вазирлиги марказий аппарати ҳамда вазирлик тассаруфидаги ташкилот ходимлари ўртасида спортнинг мини футбол тури бўйича “Халқ таълими вазири кубоги” мусобақаси ўтказилди. Мазкур спорт мусобақасида жами 13 та жамоадан 120 нафар ходим иштирок этди. 4. 2021 йил 5 июнь куни Халқ таълими вазирлиги марказий аппарати ҳамда вазирлик тассаруфидаги ташкилот ходимлари ўртасида “Халқ таълими вазирлиги марафони” ўтказилди. Мазкур 3 км. мини марафон югуришида 100 нафардан ортиқ ходимлар иштирок этди.
17 (208)	Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган самарали жисмоний тарбия тизимини яратиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш мақсадида « Жисмоний тайёргарлик даражаси» спорт синовларини ўтказиш ва рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш.	2021 йил 1 май	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ҳисоб-китобларга асосан	Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режаси асосида, ижрочилар маблағлари	Ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклиф ишлаб чиқиш ва Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига киритиш.	Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 16 июндаги ПҚ-5148-сон қарори тасдиқланди. Қарор лойиҳасига мувофиқ 2021 йил 1 августдан бошлаб Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими жорий этилиши белгиланган.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа	Бажарилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
18 (210)	Жисмоний тарбия ва спорт муассасалари ҳамда 16 мингта мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларини спорт жиҳозлари билан таъминлаш.	Йил давомида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	100 000 млн.сўм	Давлат бюджети маблағлари, Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режаси асосида	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Умумтаълим муассасаси учун зарур бўлган бирламчи жиҳозлар рўйхатини шакллантириш; Умумтаълим муассасасига бирламчи спорт жиҳозлари харид қилиш ва етказиб бериш назарда тутилади.	Бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 15-16 апрель кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи бўйича тасдиқланган 20-сонли баёнида 2021 йилда давлат бюджети параметрларида ажратилган 50 млрд. сўм маблағлар доирасида ҳар бир мактаб учун белгиланган маблағлар миқдорига ўзгартириш киритган ҳолда, умумтаълим мактабларини бирламчи спорт анжомлари (футбол, баскетбол, волейбол, гандбол тўплари, секундомер, бадминтон ракеткаси, теннис столи ва тўпи) ҳамда спортнинг шахмат ва кураш тури жорий этиладиган умумтаълим мактабларини шахмат, шахмат соати, шахмат доскаси ва кураш гилами билан жиҳозлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилган. Харид қилиниши режалаштирилган спорт анжомларининг техник параметрлар ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда тасдиқланди.
19 (228)	Педагог ходимларга малака тоифасини бериш тизимини қайта кўриб чиқиш, шаффофлик ва автоматлаштириш асосидаги янги тизимни жорий қилиш.	2021 йил 1 июнь	Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги	-	-	Ишлаб чиқиладиган Ҳукумат қарори лойиҳасига таклифларни ишлаб чиқиш ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига киритиш.	Бажарилди. Педагог ходимларга малака тоифасини бериш тизимини қайта кўриб чиқиш, шаффофлик ва автоматлаштириш асосидаги янги тизимни жорий қилиш бўйича Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 22 февралдаги 02-02/3-540-сонли хатлари билан тегишли таклифлар тақдим этилди. Жумладан: Халқ таълими тизими педагоглари аттестацияни бир йилда тўрт марта ўтказиш; Нодавлат таълим муассасалари педагог ходимларининг, уларнинг ўз ихтиёрига кўра, малака тоифаларини олиш учун аттестациядан ўтказишни жорий қилиш; Олий таълим муассасаларини битириб биринчи бор ишга кирган умумтаълим муассасалари педагог ходимларининг касбий фаолиятига бир йил тўлгандан сўнг аттестацияга жалб этиш имкониятини яратиш каби таклифлар берилди.